ҚИРҒИЗИСТОНДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

(Боши 1-бетда).

ринчи курсларига қабул қилинган талабаларнинг ўзи 23 мингни ташкил этди. «XXI аср мутахассислари» дастури бўйича қирғизистонлик талабаларнинг 5 таси Югославияда, 22 нафари Германияда, 14 таси Малайзияда, 20 таси Америкада, 50 тадан зиёди Россияда, 1000 дан ортиғи Туркияда таълим олишмоқда. Мактаблар ҳам ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларига тез мослашиб бормоқда. Бу ҳолат жаҳон таълим тизимига, таълим олиш ва илмий даражалар ҳақидаги дипломларни конвертациялашга, таълимнинг мамлакатлараро стандартларга қўшилишига шароит яратади. Шунингдек, ўз ўрнида бу каби имконият таълим тизимида миқдор ўсишигагина аҳамият бермасдан, юқори сифатни ҳам таъминлашни талаб этади. Юқори сифат эса таълим жараёнини техникалаштиришни, ўқитишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш ва фойдаланишни тақозо этади. Шу мақсадда анча ишлар амалга оширилган.

Бу соҳада фаол ишлаб, намуна бўлган ўқитувчилар Ўзбекистондаги каби «Йил муаллими», «Йил директори», «Энг яхши тарбиячи» каби номга сазовор бўлиб, уларнинг иш фаолияти бошқаларга тарғиб қилинаётган экан. Ўқитувчиларнинг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида «Билим» жамғармаси фаолият кўрсатмоқда. Мактабларни таъмирлаш ва моддий базасини яхшилашда эса ўз-ўзини бошқариш органларининг ёрдами катта.

Ҳозирда таълим тизимида иккита энг долзарб масала бор. У ҳам бўлса, таълим тизимида сарф қилинаётган маблағ таълимнинг юқори сифатга эришишини таъминлаш ҳамда турли тилларда ўқитилаётган мактабларда бир хил дастурнинг йўқлигидир.

Қирғизистон мустақилликка эришгандан кейин янги таълим тизими пайдо бўлди. У ҳам бўлса, давлат ўқув юртлари билан бирга хусусий мактаб ва олий ўқув юртларининг очилишидир. Айниқса, кейинги йилларда республикада турли давлатлар билан биргаликда ташкил этилган олий ўқув юртлари ва мактаблар очилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Булар Қирғизистон — Россия Славян университети, қирғиз миллий университети қошидаги Қирғизистон — Америка ва Қирғизистон — Европа факультетлари, Қирғизистон — Турк университети, Бишкек шаҳридаги халқаро бизнес ва менеджмент мактаби (ПРООН), шунингдек, Туркиянинг «Себат» фирмаси ёрдамида очилган II-хусусий давлат лицейи шулар жумласидандир.

Таълим тизимидаги бундай хилма-хиллик ўқитишнинг сифатини оширишга, улар ўртасида рақобатни юзага келтиришга, ўқишга кирувчиларни танлаб ўқитишга имконият туғдиради.

1996 йилдан бошлаб таълим тизимида оммавий компьютерлаштириш бошланди. 120 дан зиёд мактаб Американинг «Хъюлетт-Паккорд» фирмасида тайёрланган энг яхши компьютер синфларини олди ҳамда улардан фойдаланишмоқда.

Ҳозир «Интернет» тизимига ўндан зиёд университет ва 50 дан зиёд мактаблар қўшилди. Яқинда улар сафига 250 дан зиёд мактаб қўшилиш учун ҳозирлик кўрмоқда.

Президент Маҳкамасидаги Ахборотлаштириш ва технология бўлими республикада мавжуд компьютерларнинг ишлаш тизимини ягона йўналишга солувчи, уларнинг алоқадорлигини таъминловчи дастур ишлаб чиқмоқда. Бу эса келажакда республикада мавжуд барча ташкилотлар, таълим тизимидаги компьютерларнинг фаолиятини жамлайди. Айнан мана шу дастурнинг амалда қўлланиши жаҳоннинг турли мамлакатларидан ахборот олиб туришни таъминлайди ҳамда «Интернет»га қўшилишга имконият яратади.

Қирғизистон Президенти Ахборотлаштирилган жамият қуришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки, XXI аср Ахборотлашган технология асри бўлади. XXI асрда Ахборотлашган технологияси яхши йўлга қўйилган давлатгина муваффақиятли тараққиётга эришади.

Манзура ХОЛМАТОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.

МАКТАБДА ЎЗ КОРХОНАМНИНГ КЕЛАЖАГИНИ КЎРАМАН



(Боши 1-бетда).

кани доимий диққат-эътиборимизда. Ўзимиз ташкил этган «Автомобилчи» қурилиш ташкилотимиз 4-мактабга қўшимча бино қуриб берди. Бажарилган иш учун биз қурувчиларимизга 300 минг сўм тўладик. Яна бир неча мактабларни, жумладан, 4-мактабни газлаштиришда ҳам имконимиз даражасида кўмак бердик. Янги ўқув йилидан бошлаб шу мактаб-нинг аълочи юқори синф ўқувчилари учун ҳар ойига 7 минг сўмлик стипендия жамғармаси ташкил этилди. Ўқитувчиларни ҳам ҳар байрамларда ёки бўлмаса тўй-маъракаларини ўтказишда қўллаб-қувватлаб турибмиз.

Комилжон Сапиевнинг бу иккинчи ишининг аҳамиятини шарҳлашга ҳожат йўқ. Ҳозирда «Автомобилчи» томонидан 10-мактаб учун янги бино қурилаяпти. Шаҳар халқ таълими бўлими муассасаларининг деярли барчасига сув ва газ ўлчагич мосламалар ўрнатиб берилди. Бунинг фойдали томонини К. Сапиев шундай изоҳлади:

— Халқ таълими бўлими бу иккала ташкилотдан анчагина қарз бўлиб қолишган экан. Уларнинг тартиб-қоидасига кўра, агар ўлчагич бўлмаса қувурнинг диаметрига қараб доимий оқди, деб ҳисобланар экан. Нима бўлса бўлибди, бу ёғига эҳтиёт чорасини кўринглар деб, ўз нархига шу ўлчагичларни келтириб, ўрнатиб бердик. Бу билан уларнинг қанча-қанча миллионлари тежалди.

Биз юқорида урғу берганимиз — раҳбарга хос тадбиркорлиғу саховатпешаликнинг уйғунлигини кўрдик бу ерда.

Шаҳардаги бошқа таълим-тарбия муассасалари ҳам ўз ғамхўрларига эга. Шаҳар ҳокимлиги 1993 йилдан бошлаб уларнинг барчасини фармойиш билан йирик ишлаб чиқариш корхоналарига, ташкилотларга, кичик корхоналарга биркитиб қўйган экан. Ҳозирда оталиқ ташкилотлари ўзидан ортди дегунча, ошиқча сармояни таълимга сарф этаяпти. Халқ таълими бўлимининг эса асосий иши таълим-тарбия мазмунини такомиллаштиришга қаратилган. Янги ўқув йили бошида тузилган, халқ таълими муассасалари фаолиятини тўлиғича қамраб олган режа асосида иш олиб борилаётганлигига мактабларни, болалар боғчаларини, мактабдан ташқари муассасаларни кўздан кечириб, ишонч ҳосил қилдик. Ундан ташқари бу муассасалар жамоалари ҳам ҳомийлар ҳимматинигина кутиб ўтирмасдан, имкон қадар даромад топиб, банкдаги ўз ҳисоб рақамларидаги маблағни кўпайтириш ҳаракатида.

Суҳбатимиз сўнгида Комилжон Сапиевдан маорифга қайишқоқлиги боисини сўрадим.

— Президентимиз Ислом Каримов сўнгги маърузаларида маънавиятга, маърифатга, миллий қадриятларга янада кўпроқ эътибор беришимиз кераклигини, келажакда биз қурмоқчи бўлаётган буюк давлатни юксакларга кўтариб турадиган устунлардан бири халқимизнинг маънавияти, маърифати, ўз ота-боболаридан мерос қолган умуминсоний қадриятларни, анъаналарни ўзида мужассамлаштирган ёшлар одобаҳлоқи эканлигини куюнчаклик билан айтмоқда. Шундай экан, биз каттами-кичикми ҳар бир ташкилот ёки корхона раҳбарлари ҳозирги мактабларда ўз корхонамизнинг келажагини кўришимиз, нафақат кўришимиз, балки ўзимизга муносиб ўринбосарлар тайёрлашга жон куйдиришимиз зарур.

Бу гаплар шунчаки йўлига, сўралганда айтилган гаплар эмас. Негаки, амалда ўз сўзининг устидан чиқаётган, аслида ҳам ёшларнинг муносиб билим олиб, тарбия топишига хайрихоҳ бу кишининг сўзларида кўтаринкиликдан кўра самимийлик устун. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, **«инсон ўз манфаатларини кўзлаб иш қилганда, Ватани манфаатларига ҳам хизмат қилсин».** Чунки мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг манфаатлари Ватани манфаати билан уйғунлашувида юксак куч-қудрат, порлоқ келажак тимсоли гавдаланади.

Абдусамат РАҲИМ.



ИСТЕЪДОДЛИ ЙИГИТЧА

Худойберди Шарипов «Аэрокосмик мактаб» машғулотларида иштирок этиш учун Покистонга жўнаб кетди.

АВВАЛГИ СУҲБАТ ИСТЕЪДОД ҲАҚИДА

Тилшуносликда «истеъдод» атамасини мавҳум отлар сирасига киритишади. Борлиқ ҳаётда ҳам шундайми? Умуман, истеъдод реал тушунчами? Ушмундоқ иштибоҳларга республика «Истеъдод» маркази раиси, психология фанлари доктори Ботир ҚОДИРОВ шундай жавоб беради:

— Албатта. Истеъдод борасидаги ҳар қандай иштибоҳлар ўринсиз. Жамики билиму малакаларни маълум мезонгача хоҳлаган киши ўзлаштира олиши мумкин. Ундан юқорисини эса фақат истеъдодлилар эгаллаши мумкин. Шу боис, мана шундай иноят эгалари бизнинг хоҳишимиздан фарқли ўлароқ, бир ҳовучгина бўлади. Истеъдодлилар, агар таъбир жоиз бўлса, уммон тубидаги дур. Уни олиб чиқиб, лойқа-гилдан тозалаб олсакгина, у жилва беради. Республика «Истеъдод» марказининг асосий мақсади ҳам шу — истеъдодлиларни излаб топиб, рўёбга чиқариш.

Ўтган йил давомида мамлакатимиздаги 14 минг 500 ўқувчи психологик тестдан ўтказилди. Ҳар бир вилоятда турли йўналишлар бўйича 30-50 нафар ўта истеъдодли ўқувчилар кашф қилинди. Бу — катта кўрсаткич. Энг асосийси, уларни назардан қочирмаслик. Акс ҳолда, кашфиётлар ҳаёт талотўпларининг чанг-тўзонида қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

— Худойберди Шарипов ҳақида гапириб бермасангиз?

— Яхшиси, унинг ўзи билан гаплаша қолинг. Кўпроқ маълумот оласиз. Унгача мен Худойберди ўқиган ўзимиздаги «Аэрокосмик мактаб» ҳақида бир оз тўхталиб ўтай. Ушбу оромгоҳни (шундай десак тўғрироқ бўлар) «Қуёш» институти қошида академик Шавкат Воҳидов ташкил этган. Бу ерда ҳар йили ўнлаб ҳамдўстлик ва чет давлатлардан ўқувчилар келиб, дам олиб, машғулот ўтишади. Коинот сирларини ўрганишади. Шу йил биз мазкур мактаб учун вилоятлардан 12 нафар ўта истеъдодли ўқувчини танлаб бердик. Август ойида, ўн кун давомида, улар «Аэрокосмик мактаб»да ўқишди. Пировардида, уларнинг 5 нафари Қозоғистондаги Бойқўнғир аэрокосмик мактабига, бир нафари эса Покистондаги мактабда машғулотларни давом эттириш учун тавсия қилинди. Бор гап — шу. Покистонга чеки тушган ўқувчи мана шу — Худойберди Шарипов бўлади.

КЕЙИНГИ СУҲБАТ ИСТЕЪДОД БИЛАН

— Худойберди, ўзингизни таништирсангиз.

— Мен 1981 йилда Ғузор туманидаги Авгонбоғ қишлоғида туғилганман. Шу тумандаги Азиз Ҳайдаров номли физика-математика лицейининг 10-синфида ўқийман.

— Аэрокосмик мактаб ҳақидаги таассуротларингиз?

— Таассуротларим яхши. Машғулотлар жуда қизиқарли ўтди. Бизга етук-етук мутахассислар лекциялар ўқишди. Космонавтлар В. Жонибеков, С. Шарипов, Мазиченколарнинг мактабимизга ташрифи бизнинг ёдимиздан ҳеч қачон чиқмаса керак.

— Дарслар, асосан қайси йўналиш билан боғлиқ эди?

— Авиация ва космонавтика билан. Иқтисод бўйича ҳам лекциялар ўқилди. Космик лойиҳаларимизни ҳимоя қилишимиз, ракета моделларини учиришларимиз кечагидай эсимда турибди. Умуман, ўзимиздаги мактаб менга кўп нарса берди.

— Сизлар билан яна қайси мамлакат болалари бирга бўлишди?

— Покистондан, Малайзиядан, Болгариядан, Россиядан ўқувчилар бор эди.

— Покистонда ўқиш қайси тилда олиб борилар экан?

— Инглиз тилида.

— Инглизчани яхши биласизми?

— Ҳа.

— Кетиш олдидан ҳаяжонланяпсизми?

— Албатта.

— Сизга оқ йўл тилаб қоламиз.

ХУЛОСАТУЛ — АСҲОБ

Яъни суҳбатдан хулоса шуки, бизда истеъдодлар кўп. Уларни кашф қилиш бобида республика «Истеъдод» маркази ҳормай-толмай изланишда. Фақат бу кашфиётлар бурчак-бурчакда қолиб кетмаса бўлгани. Чунки, ҳеч нарса осмондан тушмайди. Ҳаммаси шу заминда, атроф-жавонибимизда, ёнимизда. Фақат тийранроқ назар ташлашни ўрганиб олсак, бас.

Асқар ШОКИР.
Суратда: Х. Шарипов.
Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Узбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги ўтган беш йил мобайнида мамлакатимиз халқларининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётда улкан ўзгаришлар рўй берди.

Узбек тилига Давлат тили мақоми берилганлиги ва келгусида дарслик ва бошқа қўлланмаларнинг лотин имлосидаги янги алифбода яратилиши лозимлиги муносабати билан уларга қўйиладиган талаблар янада ортиб бормоқда.

Республика Халқ таълими вазирлигининг 1995 йил 11 август 159 рақамли буйруғига асосан эълон қилинган очиқ танловга 1-синфлар учун 20 дан ортиқ дастур, дарслик ҳамда методик қўлланмалар келиб тушди.

Яқинда Халқ таълими вазирлиги томонидан мазкур танлов ғолиблари аниқланиб мукофотлар топширилди.

Жумладан, Қ. Абдуллаева, Қ. Қосимова, С. Фузаилов муаллифлигидаги «Она тили» дастури, О. Шарафутдинов, Қ. Абдуллаева, С. Маъруфжонова муаллифлигидаги «Она тили» (Гулшан) дарслиги ҳамда Р. Шукурова, Н. Раҳмонбекова, Қ. Абдуллаевалар муаллифлигидаги «Алифбе» (Шодлик) дарсликлари биринчи урин эгаллаб, пул мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, К. Назаров, Ш. Йўлдошева, Қ. Абдуллаевалар ҳамкорлигида тузилган «Савод ургатиш» ва «Она тили» методик қўлланмалари ҳам биринчи уринга муносиб деб топилди.

МАЪНАВИЯТ – ПОКЛАНИШ ЭҲТИЁЖИ

Муносабат

Президентимиз Ислом Каримов «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази вакиллари билан учрашувида мустақиллик туфайли мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтиришга, миллий мафкурани шакллантиришга, ёшларимизни халқимизнинг бой маданий меросига, тарихий анъаналарига, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ёшларимизга маънавият сув ва ҳаводек зарурдир.

Биз ўз фаолиятимизда юртбошимиз айтган юқоридаги кўрсатмаларга алоҳида аҳамият бермоқдамиз. Халқ таълими вазирлигига қарашли ҳунар таълими Республика маданият уйи фаолиятида ҳам буни яқ-қол кўриш мумкин. Маданият уйимиз мамлакатимиздаги барча ҳунар таълими билим юртлари ва вилоятлардаги маданият уйлари билан бевосита алоқа боғлаб, уларга маданий, услубий ва тарбиявий ишларни яхшилашга ёрдам бериб, ташкилий фаолиятига кўмаклашмоқда. Бизнинг асосий иш фаолиятимиз ҳунар билим юртлари ўқувчиларининг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг маданий-тарбиявий билимларини шакллантириш ва бадиий ҳаваскорлик ижодиётини янада ривожлантиришга йўналгандир.

Аудиториямиз асосан ҳунар билим юртларининг ўқувчиларидир. Шу боис иш режаларимизни тузаётганимизда бунга алоҳида эътиборни қаратамиз. Негаки, кўп ҳолларда ҳунар билим юртига мактабда ўқишни эплолмаган ёки тарбияси мураккаб ўсмирлар қабул қилинади, деган фикр юради. Мен бу фикрни рад этаман. Чунки, ҳамма жойда ҳам ўсмирлар тарбиясига эътибор берилмаса, улар назоратдан четда қоладилар ва тарбиялари мураккаблашиб бораверади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунга келиб ҳунар билим юртлари замон талабларига мос равишда ўзгариб бормоқда. Уларга касб маҳоратлари ўргатилаётир. Бирор мутахассисликдан сабоқ бериш билан бирга бозор иқтисодиётига доир маълумотлар берилмоқда. Айни вақтда уларнинг буш вақтларини мазмунли ўтказиш учун турли ижодий ишлар билан шуғулланишларига имконият яратилган. Масалан, тўгаракларимиз, бадиий дасталаримиз иши ўқувчиларнинг хоҳиш-истаклари эътиборга олинган ҳолда ташкил этилаётир.

«Ҳилола», «Гулрух», «Тонг» ва «Ҳумо» ансамбларимиз репертуарларида турли халқларнинг ашула ва рақслари бор. «Тонг» асосан эстрада жанрида ижод қилса, бошқа жамоалар узбек классик куй — қўшиқларини томошабинларга маҳорат билан етказишга ҳаракат қиладилар. Ўқувчиларни тўгаракларга жалб қилишдан олдин ўтказадиган танловларимиз уларнинг қайси соҳада иқтидори борлигини аниқлашимизга ёрдам беради.

Маданият уйининг услубчилари ва тўгарак раҳбарларининг билим юртларида олиб бораётган тарғибот ишлари ўқувчиларни кўпроқ тўгаракларга тортишга кўмаклашаётир. Бундан ташқари, бадиий жамоаларга фаол қатнашадиган ўқувчилар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилаяпти. Масалан, ёзги таътил кунлари уларга «Ёшлик» дам олиш масканида ўз ҳисобимиздан бир ойлик хордиқни ташкил этдик.

Булардан ташқари республикадаги ҳунар-таълими билим юртлари қошида фольклор-этнографик дасталар республика фестивалини ўтказиб келаяпмиз. Утган йили бу ишга қўл урганимизда тўғриси, бироз иккиланган эдик. Чунки, фестивални ташкил этиш бирор туман ёки вилоятда бошқа-ю, республика миқёсидагиси бошқада. Чунки бундай танловларни мамлакат бўйича ўтказишда узига яраша қийинчиликлар учраши табиий. Биринчидан, шунча жамоани тўплаш осон эмас. Иккинчидан эса, бозор иқтисоди даврида унинг сарфу ҳаражатлари ҳам ҳийлагина катта булади. Лекин вазирлигимиз бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Дастлаб туманларда шундай танлов ўтказилди, уларнинг ғолиблари вилоят кўрикларида қатнашдилар. Республика танлови эса, халқ сайлига айланиб кетди. Бу йил ана шундай фестивал иккинчи марта ўтказилди. Бу оммавий байрам ҳунар билим юртларида ўқиётган ёшлар ўртасида янги-янги истеъдодлар борлигини кўрсатди. Ишончимиз комилки, фольклор-этнографик бадиий жамоаларнинг республика фестивали анъанага айланади.

Бугунги кунда кўпгина муассасалар иқтисодий етишмовчилик туфайли белгиланган мақсадларига маълум-даражада эриша олмаётганликлари сир эмас. Бизнинг маданият уйимиз ҳам давлат бюджетидан маблағ билан таъминланади. Аммо биз бу билан кифояланмаймиз. Тўғриғи, давлат пул берса, фалон тадбирни ўтказамиз, деб қўл қовуштириб ўтирмаймиз. Пуллик концертлар ташкил этамиз, видеостудиямиз хизматидан фойдаланамиз, тушган маблағни махсус ҳисоб рақамида сақлаймиз. Булар мақсадли тадбирларга сарфланаётир. Ўқувчиларнинг ижод намуналари намойиш қилиш бўйича кўпдан-кўп режаларимиз ҳам бор. Бундан ташқари, Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Халқаро «Навруз» хайрия жамғармаси билан биргаликда Навруз байрамига атаб ҳунар билим юртлари ашула ва рақс дасталарининг кўрик-танловларини ўтказишни ҳам кўзда тутганмиз.

Бир сўз билан айтганда, ниятимиз аниқ: ҳунар билим юртлари ўқувчиларига маънавият — покланиш эҳтиёжи эканлигини сингдиришдир.

Аҳмаджон МУЗАФФАРОВ,
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳунар таълими Республика маданият уйининг директори, педагогика фанлари номзоди.

Гуллаб борар экан элда фан ҳар он,
Асрлар, наслларсенга умидвор!
Элнинг муаллими, сенга бу фармон
Тарихлар номидан бўлмиш барқарор.
Улуғ муаллимдан сен олган ўрнак,
Юлдузлар қўйнидан нурни олгандек.

(Мақсуд Шайхзода)

ИЛМ-ЛА ДОНО БЎЛГАН РАЪНО

Қутлов

Орамизда шундай инсонлар борки, улар ўз ҳаёт ва ижод йули билан барчага ўрнак бўла оладилар. Биз уларни ҳақли равишда муаллимлар деб аталимиз, зеро, муаллим арабча сўз бўлиб, фақат болаларни ўқитувчи шахсни ифодаламайди. Муаллим сўзининг яна бир маъноси — бировга бирор нарса ўргатувчи, фикри, ҳаёти, ибрати билан ном қозонган инсон.

Раъно Толипова — муаллимлар оиласидан етишиб чиққан олима. Узининг айтишича, «Шоир Эркин Воҳидов билан тенгдош», яъни 1936 йил 28 декабрда Тошкентда туғилган. Болалик йиллари қийинчилик билан ўтган. У даврни Раъно опа шундай эслайдилар:

— Отамни урушга кузатганимизда 5 ёшда эдим. Афсуски, уларни қайта кўриш насиб этмади. Онам эртадан кечгача ишда бўлардилар. Оилада 3 қиз эдик. Нон танқис, бир синглим касал бўлиб ёшлигидаёқ вафот этган. Уша кунни ҳеч унутмайман: Қушниларникига чиқиб, «Синглим улиб қолди, энди мен ҳам ўртоқларим билан ўйнамайман, — дебман. Ўзим 5 ёшдаману ўйда икки синглимга қараб ўтириш менга юклатилган эди. Энди синглимга қарашдан қутулганимдан хурсанд бўлибман-у, ундан ажраб қолганимизни кеч тушунибман».

Ёш Раъно уруш туфайли ҳаёт машаққатларини эрта кўрди. Синфдошлари кучада ўйнаб юрган пайтларда онаси касаллиги туфайли унинг ёш бошига рўзгор ташвиши ҳам тушди. Рус тилини мутлақо билмаса-да, уйларига яқин бўлган рус мактабига борди. Дастлаб қийналди, аммо тиришқоқлик сабабли 2-синфдан аълочилар сафига қўшилди.

7-синфни битириб, томирида ўқитувчилик қони жўш уриб турган Раъно ҳеч иккиланмай ҳужжатларини педагогика билим юртига топшириб, 1956 йилда имтиёзли диплом билан ўқишни битирди. Шу йилиёқ Шайхонтоҳурдаги 4-мактабда бошланғич синфларга дарс бера бошлади. Болаларни жонидан ортиқ севган ёш муаллима ўз билимини ошириш мақсадида Низомий номидаги педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетида ўқишни давом эттирди. 1967 йилда эса аспирантурага кириб, иш тажрибаларини умумлаштириб, номзодлик диссертациясининг мавзуси қилиб «Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини ўйин воситасида ўстириш» деган мавзуни олди.

Бой тажрибага эга бўлган муаллима 1972 йилда педагогик соҳада номзодлик ишини ҳимоя қилди. Шу вақтда Раъно опа 5 фарзандининг онаси, улардан тўрттаси ўғил эди. Турмуш ўртоқлари узоқ йил раҳбарлик лавозимларида, жумладан, 18 йил Енгил саноат вазирлигининг лойиҳалаш институти директори вазифасида ишлаганлар. Албатта, раҳбарнинг юмушлари кўп, фарзанд тарбиясининг бутун оғирлиги онанинг елкасида бўлган. Шунча ишдан ортиб, яна 1986 йилда Москвага бориб докторлик диссертациясини ҳам ҳимоя қилишнинг ўзи бўлмагандир. Айрим олималаримиз илмни биринчи уринга қўйиб, оила ва фарзанд олдидаги бурчни унутиб қўядилар. Улар оилани биринчи уринга қўйиб, ҳам фарзандлар тарбиясига, ҳам илмни эгаллаган, айни вақтда турмуш ўртоғининг бир оғиз «сен» демаслигига эришган Раъно опадан иборат олса арзийди.

Кўп йиллар давомида Халқ хўжалиги институти, кейинчалик эса Жаҳон иқтисоди ва дипломатия институтида Раъно опа билан ёнма-ён ишлаган ҳамкасблари; дастур, дарслик ва методик қўлланмалар яратишда у киши билан ҳаммуаллиф бўлганлар бу олима ўзининг камтарлиги, тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги, хушмуомалалиги билан ажралиб туришини таъкидлашади.

1989 йилда собиқ «Русский язык и литература в узбекской школе» (ҳозирги «Преподавание языка и литературы») илмий-методик журналининг бош муҳаррирлигига таклиф этилган Раъно опа ўша йилданоқ бу журнал асосида ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчилари учун ҳам илмий-методик нашрга асос солишга ҳаракат қила бошлади ва ниҳоят мақсадига эришди. 1991 йилдан бошлаб у бошчилик қилаётган таҳририятда «Тил ва адабиет таълими» илмий-методик журнали ҳам чиқа бошлади. 1993 йилдан бошлаб иккала журнал чет тили ўқитувчиларининг ҳам илмий-методик нашрига айланди.

Раъно опанинг олима сифатидаги ноёб фазилати шундаки, у ҳар вақт изланишда, куч-қуватини янгилик излаб топиш ва уни амалиётга татбиқ этишга сарфлайди. Шунинг учун ҳам иккала илмий-методик журнал тил ўқитиш методикаси соҳасидаги янгиликларни тадқиқ этиш ва оммалаштириш лабораториясига айланган. Жумладан, бу олима 6 йилдан бери рус тили ўқитиш, 3 йилдан бери давлат тилини ўқитишни такомиллаштириш ишлари билан шуғулланаётган иккита катта муаллифлар гуруҳига бошчилик қилиб келаётир.

Маҳсуллорлиги жиҳатидан катта бир илмий лабораториятга тенг келадиган бу гуруҳлар томонидан иккита концепция, иккита дастур ва 3 та (5-, 10 ва 11-синфлар учун рус тили) дарслик чоп этилди. Шу кунда яна 4 та дарслик (6-синф учун рус тили; рус мактабларининг 5-, 8-, 10-синфлари учун ўзбек тили дарслиги) устида иш якунланди.

100 яқин илмий ишлар муаллифи бўлган Раъно опа бир қатор аспирант ва докторантларга раҳбарлик қилиш баробарида кейинги йилларда иккала муаллифлик гуруҳи билан яна 8-9-синф дарслиги устида иш бошлашни мўлжаллаб қўйган. Бу демакки, иккинчи тил ўқитиш методикасининг такомиллаштириш устида бошланган савоб иш давом этаяпти.

Таъкидлаганимиздек, заҳматкаш бу олима ажойиб она ҳамдир. Фарзандлари Бахтиёр, Баҳодир, Қаҳрамон ва Рустамлар олий маълумотли иқтисодчи, қизлари Хосиятхон эса 23 ёшида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, она ишини давом эттираётган ёш тилчи олима. Ҳозир у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ваколатхонасида ишлайди.

Шу кунларда 60 ёшни қаршилаётган Раъно опа ҳамон бардам, сергайрат, келинлари, ўғиллари, куёви, қизи ва набиралари ардоғида, севимли жамоаси билан ҳамнафас.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилмоқ жоиз эрмас, бири — кишига Оллоҳ таоло ҳалол мол-дунё берсаю, уни Ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси — кишига Оллоҳ таоло илму ҳикмат ато этсаю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса», — деганлар. Шундай экан, инсон иззатини илмда кўраётган камтарин ва фидойи олима, ҳам раҳбар Раъно Толипова ибратидан ўрнак олсак арзийди. Узбек аёллари шуҳратига шуҳрат қўшаётган Раънолар Раъноси ва доноси доим омон бўлсин!

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Маърифат»нинг жамоатчи мухбири.

БИЛИМЛАР ПОЙДЕВОРИ

Яқинда «Бошланғич таълим» журналининг 5-сони босмадан чиқди. Журналнинг бу сони истиқлолимизнинг беш йиллигига бағишланган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди Муртазо Султоновнинг «Маънавият» рукнида берилган «Истиқлол таълими» мақоласи билан очилади. Шунингдек, бу сонда «Ўзбекистон — Ватаним маним» рукнида журналист Ашурали Ахмедовнинг «Туронзамин» публицистик мақоласи, А. Авлоний номидаги ХТХМОМИ педагогика кафедраси мудири, доцент Улфат Маҳкамовнинг «Бешинчи баҳор нафаси» деб номланган мақоласи ҳамда Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Ўктамхон Солиеванинг «Муқаддас бурчим» сарлавҳали истиқлол мавзуидаги 1 соатлик дарс-машғулоти журналхонлар ҳукмига ҳавола этилган.

Иқтисод — бугунги кунимизнинг долзарб мавзуи. Олий тоифали ўқитувчи Бахтиёр Каримовнинг журналнинг ҳар бир сонида бериб бораётган «Иқтисодимиз алифбоси» рукнида қатор машғулотлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Шу сонда ҳам унинг «Оила кундалик талаби» ва «Маркетинг: фойда ва зарар» иқтисодий машғулотлари ва «Дарсларда иқтисодий тарбия» уйғунлашган машғулоти ҳамда яна шу рукнда доцент М. Имомованинг «Оила ва бозор» мақоласи журналхонлар ҳукмига ҳавола этилган.

«Ишнинг каттаси — одоб», «Бебаҳо бойлик» каби мақолалар журналнинг «Одобнома» рукнидан ўрин олган.

Албатта, олий таълим ҳаёти, педагогика билим юртларида бўлажак ўқитувчилар етиштириш муаммолари журналнинг доимий, бош мавзуидир. Шунингдек, «Боғча-мактаб», «Мактабга тайёрлаш» рукнлари ҳам, ўйлаймизки, оталар ва мураббийларга ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда яқин кўмакчи бўла олади. Педагогика фанлари номзоди Зебо Раҳимованинг «Узвийлик имконлари» мақоласи мактабгача ёшдаги ва бошланғич синф болаларининг шахс сифатида шакллантиришда узвийлик жараёнини тўла очиб беради.

Бошланғич таълим — билимлар пойдевори экан, уни янги, 1997 йилда янада мустаҳкамлаш ва мазмунан бойитиш бош вазифамиздир.

Зулфия ДЎСТМУҲАМЕДОВА,
«Бошланғич таълим» журнали масъул котиби.

Сарҳадингга кўксим қалқон, жон Ўзбекистон!

● Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошқарингиз.

● Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин.

...Агар сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шафқатга кўра иш тутсаларингиз, тинчлик-осудалик Турон заминда узоқ вақт сақланади.

Амир ТЕМУР.

Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.

Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган Ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин.

Ислом КАРИМОВ.

ЙИГИТЛАРИМИЗ ОМОН БЎЛИШСА, БАС!

Тошкент ҳарбий лицейи директори Собиржон Аҳроров билан суҳбат

— Собиржон ака, халқимиз азалдан йигит кишининг ҳарбий салоҳиятига жиддий эътибор берган. Ҳатто темурийлар даврида ҳам бу масала давлат аҳамиятига молик ҳисобланган. Лицейда бу қадимий анъана қай тарзда давом этяпти?

— Албатта, йилдан-йилга фарзандларимизнинг ўз тарихимиз, адабиёт, миллий қадриятлар, айниқса, ҳарб илмига қизиқишлари тобора ортмоқда. Уларнинг иқтидорини ўзлари интилган соҳага йўналтириш эса бизнинг вазифамиздир. Лицейнинг янги Низомида ҳам худди шу мақсадлар акс этган. Ахир шу кунларда қўшни давлатлар чегараларида нотинчлик ҳукмрон бўлиб турган, қолаверса мустақил армиямиз эндигина ўз қаддини тиклаб олаётган бир вақтда биз ҳам фаолиятимизни кучайтиришимиз, барибир муҳим-да!

— Қабул масаласига ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Тўғрисини айтсам, ҳужжат топшираётган ўсмирнинг ўзини тутишиданоқ ундан келажакда қандай ҳарбий чиқиши маълум бўлиб қолади. Шаҳодатномасида битта фандан бўлса-да, «3» баҳоси бор, бўйи 160 см. дан паст бўлганларга биз ҳатто ҳужжат топшириш учун ҳам рухсат бермаймиз. Чунки улар ўз тақдирини Ватан мудофааси билан боғлаш нақадар шарафли ва масъулиятли вазифа эканлигини илк қадамданоқ англашлари шарт. Биринчи навбатда йигитларнинг жисмоний жиҳатдан мавжуд имкониятларини синаб кўрамиз. Ана ундан кейингина танловнинг назарий қисмига ўтамиз.

— Лицейда қилинаётган ишлар замон талабига мос келадими?

— Аввало, бизда ҳарбий интизомга қатъий амал қилинади. Барча ўқувчиларнинг ўқ отиш қуролларидан мукаммал фойдалана олишлари, бир неча турдаги автомобилларни моҳирона бошқаришлари, спорт билан доимий шуғулланишларига алоҳида эътибор берилади. «Ҳарбий фанлар терминологияси», «Ҳарбий ҳуқуқ асослари», «Зобитнинг шарафи ва ахлоқодоби қонунлари асослари»ни ўқувчиларимиз катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Кўрсатилган фанлар бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Ҳар чоракда ўқувчиларимиз барча фанлардан тест усулида имтиҳон топширишади.

— Бир нарса жуда қизиқ туюлади-да! Машғулотлар жараёнида кўпроқ қайси манбаларга таянасизлар?

— Биз асосан шарқ ҳарбий санъати усулларидан фойдаланамиз. Айниқса, «Ҳарбий санъат тарихи» дарсига ўқувчиларимиз жуда қизиқишади. Бу дарсларда соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари ўрганиб борилиши яхши самара бермоқда.

— Бугунги ёшлар тарбиясида маънавият тушунчаси ниҳоятда долзарб масала бўлиб қолди. Шундай эмасми?

— Тўғри айтдингиз. Фикримча, энг аввало ишонч, иймон-эътиқод, виждон каби муқаддас тушунчаларни тобора шакллантириш бош мақсадимиз бўлиши керак. Негаки, инсондаги бундай ноёб фазилатлар ҳақиқий ватанпарварликнинг устунлари-да! Шунинг учун ҳам лицейда уруш ва меҳнат фахрийлари, атоқли шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар, адабий кечалар, китобхонлар конференциялари тез-тез ўтказиб турилади.

— Ўқувчиларга яратилган шароит ва имкониятлар ҳақида ҳам тўхталсангиз. Аълочиларни қандай рағбатлантирасиз?

— Шуниси муҳимки, тарбияланувчиларимиз тўлиқ давлат таъминотида. Уларнинг яхши ўқишлари, севган машғулотлари билан бемалол банд бўлишлари учун ҳамма нарса муҳайё. Улар бир кунда тўрт маҳал овқатланишади, ёзги ва қишқи кийимлар билан таъминлаганмиз. Барча қулайликларга эга бўлган ётоқхона, спорт иншоотлари, кутубхона, тиббий хизмат хонаси болаларимиз ихтиёрида. Энди аълочиларни рағбатлантириш масаласига келсак, яна эътиборингизни «Темур тузуклари»га қаратиб қўя қолай. Жаҳонгир бобомиз ўз асарида: «Қилич чопишда ўзини кўрсатган баҳодирларни биринчи маротаба ўнбоши, иккинчи марта ўзини кўрсатса юзбоши, учинчисида эса мингбоши этиб тайинласинлар» деган экан. Биз ҳам шу ўгитга амал қиламиз. Чунки лицейда ўқувчилар ўзларимизларини бошқарадилар. Улар орасидан сайланган кичик командирлар эса бизнинг аълочиларимиздир.

— Айтинг-чи, тарбияланувчиларнинг лицейни битиргандан кейинги тақдири сизни ўйлантирадими?

— Албатта-да! Чунки масаланинг айнан шу томони биз учун жуда муҳим. Мана, 1995-1996 ўқув йилида лицейимизни 141 нафар бола битирган бўлса, уларнинг 117 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди. Қолган 24 ўқувчимизга ҳам янаги йили албатта омад қулиб боқишига, улар ҳам ҳаётда ўз ўринларини топишларига ишонаман. Чунки биз болаларимизни ҳеч қачон омадсизлик қаршисида довдирамасликка, фақат олға қараб боришга ўргатганмиз.

— Сизларни бироз ўйлатиб тургувчи муаммолар ҳам бордир?

— Адабиёт, санъат, матбуот саҳифаларида ҳарбий ватанпарварлик мавзуи кенгроқ ёритиб борилишини истардим. Шунингдек, сафда юриш, отиш тайёргарлиги бўйича ўқув фильмлари, таниқли ҳарбий саркардаларимизнинг жанговар ҳаёт йўлларига доир фильмлар, қолаверса, сафда айтилувчи ҳарбий қўшиқлар янаям кўпайса дейман.

Ҳаётда ҳамма нарса ўткинчи. Аммо яхши ном, ҳақиқий инсонга хос хислатлар абадийдир. Биз Яратгандан шуни астойдил тилаймизки, йигитларимиз ҳамиша омон бўлишсин! Қадларини тик тутиб юришсин. Шундагина Ватанимиз гуллаб-яшнайди.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Ҳулкар ҲАМРОЕВА суҳбатлашди.

Изҳор

ПАҲЛАВОНЛАР МАКТАБИ

Ўғил бола, аввало, жисмонан чиниқиб улғаймоғи зарур. Шунда у руҳан бардам, ўзига ишонган, кўнглига тугиб қўйган фикрида қатъий тура оладиган собит инсон бўлиб етишади. Оиласининг шаъни, эл-юртининг манфаатини мардона ҳимоя қила оладиган бўлади.

Ўғлим Ботир 9-синфдан кейин Тошкент ҳарбий лицейига кириб ўқиди. Бир йилдаёқ жисмонан тетик, хатти-ҳаракати анча босиқ, мустақил йигитга айланди. Кўча чангитиб юрган 14 ёшли бола 15 ёшидаёқ йигитлик даъво қилиб қолди.

Бошқа ҳарбий лицейларни билмадиму, лекин Тошкентдагиси намунали шарт-шароити, интизомнинг юксаклиги, талабаларнинг ўта уюшқоқлиги, озодалик ва саришталик кўзни қувонтириши билан ота-оналарда доимо яхши таассурот қолдириб келган. Директор Собиржон Аҳороровдан тортиб тарбиячиларгача ўз ишига жонқуярлиги ва самимияти билан ажралиб туришади.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» тапловида совриндор бўлган ажойиб бастакор Анор Назаров билан биргаликда яратилган «Ўзбекистон аскарлари» деб номланувчи қўшиғим дастлаб шу лицейда синовдан ўтган эди. Уларга атаб ёзган «Ҳарбий лицейчилар» деган бошқа шеърим ҳам бор.

Ботир бу йил лицейни тугатиб, Самарқанддаги ҳарбий автомобилчилар олий ўқув юртига ўқишга кирди. У билан бирга шу лицейни битириб борган 20 нафарга яқин талабанинг ҳаммаси имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, курсант бўлишганини эшиттанимда жуда қувондим. Бу қувончли воқеа барча ота-оналар, билим юрти жамоаси орасида ҳам шовшуага айланиб кетди. Ўғлимнинг талабалик даврида бу лицей мен учун ҳам жонажон маскан бўлиб қолди. Ҳозир ҳам улар кўнглимга жуда яқин. Азиз Ватанимиз қўриқчиларини тайёрлаб беришдек ўта фахрли ишда лицей жамоасига омад доимо ёр бўлишини юрак-юракдан истаб қоламан.

Анвар ОБИДЖОН, шоир.

ИЛК ТААССУРОТЛАР

Маълумки, шу йилнинг 1 декабридан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий қисм ва бўлинмаларида янги ўқув йили бошланди.

Албатта, бу эндигина ҳарбий хизматга чақирилган ёш аскар учун жуда қизиқарли кечади. Шунинг учун ҳам яхшиси бу ҳақда уларнинг ўзларидан эшита қолайлик.

* * *

ЭНДИ ВАТАН ҲАҚИДА КЎПРОҚ БИЛАМАН

Д. САИДХОНОВ, оддий аскар:

— Мен хизматга чақирилгунимга қадар ўзим туғилиб ўсган Ватаннинг тарихини жуда яхши биламан, деб юрардим. Лекин сиёсий ўқув машғулотларига илк бор қатнашиб, ўзимда бунинг аксини кўрдим.

Дастлабки машғулотдаёқ иккинчи жаҳон урушидаги ватандошларнинг чексиз қаҳрамонликлари, ўтмишда яшаб ўтган буюк қўмондон ва сиёсий-жамоат арбоблари, умуман яна кўп нарсаларни билиб олдим. Мен фақат билиб олиш билан чекланмадим, шекилли. Негаки, бу ҳақда қанчалик чуқур билганим сайин Ватаним билан янада кўпроқ фахрлана бошладим.

БИЗ УЧУН ҲАММА НАРСА ЕТАРЛИ

Т. ҲАЙИТОВ, оддий аскар:

— Мен ва қуролдош дўстларимга яқин орада мураккаб жанговар техникада ишлаш вазифаси юклатилади. Илк машғулот кунлари биз бу техника билан яқиндан танишдик. Ҳозирча назария билан машғул бўлсак-да, фақат бундай салобатли жанговар машинага тезроқ ўтириш ва ҳақиқий ҳарбий машқларда қатнашиш истаги билан яшаяпмиз.

Албатта, бизнинг ҳаётимиз биргина машғулот билан чекланаётгани йўқ. Қисмимизда биз учун ҳамма шароитлар яратиб қўйилган. Дам олиш кунларида янги бадиий фильмлар кўрсатилади, командирлар рухсати билан бемалол шаҳарга ҳам чиқиб турибмиз.

Доно бобо бисотидан

НЕВАРАГИНАМГА БИР ЧИМДИМ НАСИҲАТ

Ие, ие, турдингми, болам?.. Баракалла-а, баракалла! Мана, бу бошқа га-ап. Бўларкан-ку, шундай қилсанг! Сен бўлсанг, ҳар куни тушгача ётганинг-ётган эди.

Йўқ. Аслида эрта туришда жуда-а хосият кўп, болам. Чунки, айтишларича, ҳар куни эрта тонгда Хизр бува жамики одамларга ризқ улашармиш. Шунинг учун ҳам ҳар доим хонадонларнинг дарвозалари худди ўша маҳалдаёқ ланг очиб қўйилади. Ахир, эшик берк бўлса, ул зот ўша ҳовлига кирмай ўтиб кетаркан-да!

Энди гапимга яхшилаб қулоқ бер. Мана, насиб этса, сен ҳам ҳадемай ҳарбийга борасан. Чунки, йигит киши балоғатга етдими, албатта, она юрт ҳимоясида бўлиши шарт. Қолаверса, бу — ота-бувларимиздан қолган удум. Агар билсанг, ўша ҳарбийларнинг яхши бир анъанаси бор. Улар ҳар куни уйқудан жуда эрта уйғониб, юз-қўлларини тозалаб ювишади, ўринларини чиройли қилиб йиғишади, машқ қилишади. Биласанми, бунинг қанчалик савоби катта?! Ана шунақа канда қилмасдан эрта турганликлари учун ҳам ҳамиша уларнинг ризқи бутун, руҳлари тетик. Қолаверса, жисмоний машқ инсоннинг саломатлигини мустаҳкам тутади.

Энди гап шу ҳақда кетавергач, мен сенга бир бўлган воқеани айтиб бераман-да! Яхшилаб эшитгин-а!?

Уруш йиллари эди. Очарчилик авжига минган. Ўша вақтларда бир тандир нон ёпиб ейиш ҳақида ўйлашнинг ўзи беҳуда гап эди. Қишлоқда аксарияти қариялар, аёллар, болалар қолган. Ҳамма фронтда. Маҳаллада Дония исмли аёл бўларди. Унинг фарзанди йўқ, тўғриси, эри тўйларидан сўнг, урушга кетиб қолган. Хуллас, ўша аёл сира одамларга қўшилмас, уйдан эшикка кўп ҳам чиқавермас, энг ёмони кўп ухлайдиган одати бор эди. Кунлардан бир куни ҳали тонг ёришмасданоқ, талонга нон тарқатиш ҳақида хабар бериб қолишди. Кейинги икки кун ичида берилмаган эди-да! Ахир, бунақа пайтда Дония бировнинг эсига келибди дейсанми? Ҳаммаям бола-чақасига жон тортади-да! Ана, кўрибсанки, ўша аёл кўп ухлаганининг касрига нондан маҳрум бўлиб, очликдан нобуд бўлган экан. Бунда, албатта маҳалланинг ҳам айби бор. Чунки, ҳеч ким Донияни ўша лаҳзада мундоқ сўрабсуриштирмаган. Лекин, Яратганнинг ўзи кўп ухлаганни хушламайди. Балки, унга шу баҳона осонгина жазо бериб қўя қолгандир?.. Шунинг учун сен ҳам ана шундай эрта туришни канда қилмасанг, сира кам бўлмайсан. Айниқса, ҳарбийда бу жуда асқотади, болажоним!

Доно бобо насиҳатини О. ҲАЙИТОВ оққа кўчирди.

ЗОБИТЛИККА ТАЛАБГОР ЎЗБЕК БОЛАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА!

Ҳаёт нақадар мураккаб. Инсон бу ёруғ дунёда ўз ўрнига, обрў-эътиборига, айниқса, бир чимдимгина иззат-ҳурматига эга бўлиб яшаши учун қанчалаб тўсиқларни енгиб ўтмайди, қанчалаб сиру синоатларни мисқоллаб ўрганмайди, дейсиз. Аммо, шунчалар оғир кечса-да, биз барибир юксакларга, ҳа, ҳа, фақат юксакка интиларамиз. Чунки, шуни яхши биламизки, келажагимиз, қолаверса, олис ўтмишимиз ана шу баланд чўққилардан янада аниқроқ, яқинроқ кўринади.

Одатда бунақа кечинмалар кўпроқ йигитларимизга хосдек. Негаки, улар йигитлик даврининг энг баланд чўққисига етганларида биринчи навбатда она-Ватан ҳимоясида бўлишади. Буни вужуд-вужудлари билан тобора чуқурроқ идрок эта бошлашади, ўтли қалбларида ҳеч қачон йўқотиб бўлмайдиган фахр туйғусини туйишади.

Бувайда тумани мактабларининг кўпчилигига борганимда, усмир-ёшларнинг астойдил ҳарбий машқлар билан машғулликларини кўриб жуда қувондим. Айниқса, тумандаги математикага ихтисослашган лицей, 30-ҳамда 12-ўрта мактабларда бошланғич ҳарбий тайёргарлик дарслари намунали йўлга қўйилибди. Қизиғи шундаки, мен туман халқ таълими бўлимининг бошланғич ҳарбий тайёргарлик таълими услубчиси Хайрулло Турғунов ҳамроҳлигида мактабларга ташриф буюрганимда, мазкур дарс бораётган синфлардаги ўқувчиларнинг кўпроқ сафда юриш билан машғуллигини кўриб бироз ҳайрон бўлдим. Услубчи эса, ҳайрон бўлганимни сезиб қолди шекилли, дарҳол жавобни тўкиб-солиб қўя қолди:

— Биласизми, мустақиллик энг аввало бирдамликдан, ҳамжиҳатликдан бошланиши керак. Чунки бу жиҳатда гап кўп. Агар ҳақиқий ўзбек аскари биринчи навбатда ўз сафини ҳеч қачон бузмаса, бу сафда ҳар доим ўзини муносиб тута билишга, бир-бирининг қадамига мос ҳаракат қила билишга ўрганса, ишонаверинг, биз барибир янада буюклашаверамиз.

Ҳақиқатдан ҳам услубчи айтганидек, бу соҳадаги ишлар жуда яхши йўлга қўйилибди. Яна бир эътиборли томони шундаки, ҳарбий таълим ўқитилиши шахсан туман ҳокими, Ўзбекистон Олий Кенгаши ноиби Олимжон Назаровнинг назоратида экан. Мана, яқинда соҳибқирон — Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, туманнинг 70 йиллик тантаналари арафасида ҳокимнинг ташаббуси билан 20 та автобус ажратилиб, ўқувчиларнинг мерганлик маҳоратлари яна бир карра синовдан ўтказилибди. Бундан ташқари, кейинги йилларда зобит бўлишга қизиқувчи ўқувчилар сони тобора кўпайиб бораётганлиги жуда қувонарли. Буларнинг ҳаммаси албатта бирлик, ҳамжиҳатликнинг илк меваси. Шундай кунлар келарки, бу тумандан катта-катта қисм командирлари, қўмондонлар етишиб чиқар, доврўғи оламни тутгулик ҳарбийларни кўриб кузларимиз қувонар. Мен эса кўз ўнгимдаги бир-биридан чиройли сафларни қайта-қайта кузатар эканман, услубчининг фалсафасига ишондим.

Олимжон ҲАЙИТ.

Қувноқ давра

ХАНДАЛАР

Ёш командир жангчиларга: «Менинг буйруғимсиз биророта ҳам ўқ отманглар», деб буюрибди.

Шунда жангчилардан бири бостириб келиб қолган душманни отиб ўлдирибди.

— Нега, буйруғимсиз отдинг? — сўрабди командир.

— Кечирасиз, у сизнинг буйруғингиз билан бостириб келаётганини билмабман, — дебди жангчи.

* * *

Жангчиларга ҳужум сирларини ўргатаётган командир шундай дебди:

— Ҳужумга ўтганда душман ўқи тегмаслиги учун икки қадам ўнгга, икки қадам чапга ўтиб югуриш керак.

— Унда бизларни маст экан, деб ўйлашмайдими? — сўрабди жангчилардан бири.

***

Генерал Бенкендорф жуда паришонхотир эди. У бир шаҳардан ўтиб кетаётиб ўзига хат бор-йўқлигини билиш учун алоқа бўлимига кирди.

— Маҳҳамат қилиб фамилиянгизни айтсангиз? — сўради ундан почтмейстер.

— Менинг фамилиямми? Менинг фамилиям... — дея бир неча бор такрорласа-да, ҳеч эслай олмади. Охири у кейинроқ келаман деб чиқиб кетди. Кўчада танишини учратиб қолди.

— Салом, Бенкендроф!

— Нима дединг? Ҳа, ҳа, Бенкендроф! — хитоб қилди у ва шу заҳоти алоқа бўлимига қайтиб кетди.

* * *

Искандар Зулқарнайн қўшинидаги бир номард жангчи ҳар сафар жанг майдонини ташлаб қочар экан. Буни пайқаган Искандар уни ҳузурига чақирибди.

— Отинг нима? — деб сўрабди ундан.

— Биз иккимиз адашмиз, олампаноҳ, — гурур билан жавоб берибди жангчи талтайиб. — Менинг отим ҳам Искандар.

— Ундай бўлса, сенга бир илтимосим бор, — дебди саркарда.

— Ё қўрқоқлигингни ташла, ё бўлмаса отингни бошқа қўй. Токи адашлигимиз янглиш фикр туғдирмасин. Билгинки, одамнинг исми жисмига монанд бўлиши керак.

МИННАТДОРЧИЛИК ХАТИ

ёхуд оддий аскар Баҳодир Мирзаев ҳақида лавҳа

Қобил ва жасур фарзанд ота-онага раҳмат келтиради. Аҳли-мўмин яхши тарбия топган ўғил-қизлар шаънига мақтов сўзлар айтиб, ота-онасини алқашади. Кеча-кундуз парвона бўлиб, фарзандини ўсиб-улғайтирган падари бузруквор ва мунис волида учун кун келиб ана шундай раҳмат эшитишдан кўра, бахтли он бўлмаса керак.

Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги Давлатобод жамоа хўжалигида истиқомат қилаётган Маъруф ака ҳамда Анор опаларга ана шундай энг тотли дамлар насиб этди. Уларнинг хонадони зиёга бурканди. Куни кеча ўғиллари хизмат қилаётган қисм командири номидан миннатдорчилик хати келди.

Бундан ота-онанинг қалблари қувончга тўлди. Анор опа хатни бағрига босди. Фарзанди уларни бир зумда кўкка кўтарди, дилларини равшан этди. Она хатни такрор-такрор ўқийди...

«Ҳурматли Маъруф ака ва Анор опа! Ўғлингиз она Ватанимиз олдидаги ўз йигитлик бурчини аъло даражада ўтаяпти. У ўзининг намунали хулқи, ҳарбий Низом ва тартиб интизомга қатъий амал қилиши, жасур ва интилувчанлиги билан барча сафдошларига ибрат бўлмоқда. Шундай ҳақиқий посбон, ажойиб инсонни тарбиялаб вояга етказганингиз учун сизга катта ва самимий миннатдорчилик билдирамиз. Шахсий ҳаётингизда ва келгуси ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!...

— Ўғлимизнинг яхши хизмат қилаётгани туфайли командирларидан раҳмат эшитганимиздан ниҳоятда шод бўлдик, албатта, — деди Маъруф ака. — Ўғлимиз туфайли биз кўрсатилаётган илтифотдан миннатдормиз. Шу ўринда командирларга ҳам оиламиз номидан ташаккур изҳор қилмоқчи эдим. Чунки ўғлим хизматда нимагаки эришаётган бўлса, аввало, унинг оилада намунали тарбия олганлиги бўлса, қисм ва бўлинмаларидаги командирларининг виждонан амалга ошираётган улкан меҳнатлари бу ютуқлар пойдевори деб биламан. Фикримча, аскар тартиб-интизом мустаҳкам йўлга қўйилган, ҳарбий Низом қоидаларига тўла амал қилинадиган, барча шарт-шароитлар муҳайё этилган, аскарларга ҳурмат-эътиборли ва ўз касбига фидойи зобитлар хизмат қилаётган қисм ва бўлинмалардагина ҳақиқий ва садоқатли Ватан посбони бўлиб етиша олади.

Отанинг гаплари ҳақ. Ўғли Ватан олдидаги бурчини виждонан ўтаб, сафдошлари ўртасида намунали хизмат қилмоқда. Мавсумий ўқув машғулотларида фақат «аъло» ва «яхши» баҳолар олиб, юқори кўрсаткичларга эришмоқда. У наинки жанговар тайёргарликда, балки сафдошлари орасида тартиб-интизомлилиги, одамохунлиги, хушмуомала ва ҳақиқий дўстона муносабатлари билан ҳам кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Бўлимдаги ёш аскарларга ўз билим ва тажрибасини имкон даражада қунт билан ўргатиб келаётган командирларнинг яқин кўмакчисидир.

— Ёш аскарларга ҳарбий илмдан ҳар томонлама сабоқ беришда зобит ва прапоршикларга иложи борича кўмак бериш зарур деб ҳисоблайман, — деди Баҳодир қатъийлик билан. **Маълум муддат хизмат қилиб, билим ва тажрибага эга бўлган оддий аскарлар ёш сафдошларининг ҳам Ватан ҳақиқий посбони бўлиши учун уларга ака-укадай иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлмоғи керак. Хизматим давомида ана шундай бўлишга ҳаракат қилиб келмоқдаман.**

Баҳодир 1997 йилнинг майида аскарлик хизматини якунлайди. У ота-она, мактаб, маҳалла аҳли олдига ёруғ юз билан кириб боради. Зеро, мустақил Ўзбекистонимиз қуролли кучлари сафидаги аскарлик хизмати давомида янада бойиган ажойиб фазилатлар: ота-она кўмагисиз мустақил фикр қилиш, ўзининг онаюртимиз, жамият олдидаги масъулиятини чуқур идрок этиш, қаерда бўлмасин ҳар бир ишга виждонан муносабатда бўлиш, ҳақгўйлик ҳамда самимийлик, меҳнатсеварлик ва садоқатлилик унинг учун бир умрга йўлчи юлдуз бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Улуғбек ЖУМАЕВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири.

Саҳифа материалларини Олимжон ҲАЙИТ тайёрлади.

Фитрат

«ФАРҲОД-У ШИРИН» ДОСТОНИ ТЎҒРИСИДА

Фарҳод ўлгандан кейин Меҳин Бону қўрғонни Хусрав Парвизга таслим қиладир. Бундан сўнг Хусравнинг ўғли Шеруя отасини ўлдирадир ва Ширинни ўзи олмоқчи бўладир. Ширин унга яхши ваъдалар бериб, Фарҳоднинг суякларини топтириб, Арманияда кўмдирадир ва ўзи ҳам унинг жасади ёнида ўладир. Меҳин Бону бу воқеани эшитиб қайғидан ўлади. Бундан сўнг Хоқон Чин вазирининг ўғли Баҳром Фарҳодни излаб кўп аскар билан келиб воқеани англайдир. Шеруя қўрқадир. Ўзининг бу тўғрида гуноҳсиз эканин Баҳромга билдирадир. Арман ўлкасини ўз халқига топшириб, муҳосарадан бўлган зарарларини тўлаб Эронга қайтадир.

Шу Баҳром воқеасининг ўзи жуда яхши кўрсатадирки, Навойи достонини Низомийникидан бошқача шаклга қўймоқ учун кўбрак тарихий асарларга эмас, хаёлга таянадир. Шундай бўлмағонда, Эрон қадим тарихиға оид манфазда Хусрав билан урушғон Баҳром Чўбин воқеасини Шеруя замонига кўчирмас эди, албатта. Ҳар ҳолда Низомий ва Навойи «Хамса»лари орасида бир-бирига энг оз ўхшағон қисм шул «Фарҳод-у Ширин» ва «Хусрав-у Ширин» достонларидир.

Ўрта Осиё турклари орасида бу достоннинг Навойидан бурун қайси даражада машҳур бўлғони ҳақида қўлимизда материал йўқ. Ҳар ҳолда, Навойидан кейин бу достоннинг бизда жуда шуҳрат топиб кўп ўқилғони англашиладир. Ҳатто Навойи тилининг эскиргани, англашилмас бир ҳолға киргани билан достон эскирмайдир. Янги-янги ёзувчилар бу достонни соддароқ тил билан янгидан ишлаб чиқаришни лозим кўралар. Навойидан сўнг мана шундай янгидан ишланган «Фарҳод-у Ширин» достонларидан бирини ёзғон киши Умар Боқи исмли бир муҳаррир бўлиб, асарини Амир Аъзам Ҳазрат Авизбекга бағишлаб ёзғон.

Муҳаррир китоб бошида «ҳазрат Авизбек хадлдилла мулки ва абди давлата»нинг мактларида «Фарҳод-у Ширин» достонини (начанд ҳикаялар бирла». тартиб берганини хабар берадир. Бу ҳазрат Авизбекнинг кимлиги, муҳаррирнинг қайнданлиғи, асарнинг қачон ёзилғони ҳақида бизнинг маълумотимиз йўқ. Бурунғи беклар, хонлар орасида «Авизбек» аталғонлар кўп бўлғон. Булардан муҳаррирнинг Авизбегини топиб олиш, албатта, қийин. Мунниси Хоразми ўз девонининг муқаддимасида амир кабир Авизбий Иноқ (Ивазби иноқ)ни мажлисидаги «китобхонлиғ» ва «нуқтаронлиғ»лар билан махтайдир1. Ивазби Иноқ Хоразмнинг сўнг хонлар сулоласи (қўнғурот сулоласи)нинг бошлиғи бўлғон Элвазар хоннинг отасидир. 4—5-нчи «Абул-Ғози»лар замонида 1827-нчи йилда иноқ бўлиб 1840 да ўлгандир. Иноқлиқ мансабига минмасдан бурун буни амир кабир Авезбек деб ёзадирлар. «Фарҳод-у Ширин» достонини ёзғон Умар Боқининг Авизбеги шу эмасму-кин деган фикр хотирга келадир. Шундай бўлғоч, бу асарнинг 19-нчи асрда ёзилғони маълум бўладир. Лекин бу асарнинг мазкур «Ивоз Иноқ» учун ёзилғон бўлиши эҳтимолғина бўлиб, қатъий эмасдир. Ҳар ҳолда, тил ва шевасидан ҳам бу асарнинг 18—19-нчи асрларда майдонға келгани ангалишмоқладир. Умар Боқининг бу асари озғина ўзгаришлар билан Навойи достонининг насрга айлантирилганидир. Воқеа тамом Навойи бўйинча борадир. Орасида Навойи достонидан шеърлар ҳам оладир. Шу жумладан, Фарҳод билан Хусравнинг мусоҳабалари ҳақида юқорида Навойидан кўчирганимиз шеърни Умар Боқи тамом кўчирадир. Асарда Навойи шеърларидан бошқа икки-уч бўлак шеърлар бор. Услубча кучли бўлғон бу шеърларнинг Умар Боқи шеърлари бўлиши эҳтимоли йўқ эмас. Бу асар хижрий 1328 Тошкентда В. М. Ильин матбаасида тош босмада босилғондир. Иккинчи асар яна Тошкендда «Ғуломий» матбаасида ҳижрий 1325-инчи йилда босилғон. Бу асар Назм, Наср билан ёзилғон. Назмларининг ҳаммаси деярлик аруз вазнида бўлиб ёлғиз Хусрав билан Ширин орасида:

Садқанг бўлай гўзал ёрим, нега менга қарамайсан,
Сув бўлиб оқди жигарим, нега менга қарамайсан,

байти билан бошланғон «сўзлашма» бармоқ вазнида давом қиладир. Асарнинг қим, қачон ва қайда ёзилғони маълум эмас. Бироқ шеърларидаги «Маҳзун» тахаллуси бу асарнинг шу тахаллусда бўлғон бир шоир томонидан ёзилғонини кўрсатадир. Бироқ, бу «Маҳзун»нинг ким эканини тайин қилиш қийин. Асар жуда ёмон бир котиб томонидан ёзилғон нусханинг босмаси бўлғони учун янглиши жуда кўп. Ҳар шеърнинг бир мисраи бузилиб ёзилғон! Шунинг учун шоирнинг услуби билан яхши танишиб, унинг Маслан Умархон саройидаги «Маҳзун» бўлибмаслиги ҳақида ҳеч ҳаёлга келмаслиги ҳеч ҳаёлга келмаслиги ҳеч ҳаёлга келмаслиги